

ЖАЪФАР ХОЛМУЎМИНОВ

**НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ
ВА
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
МАЪНАВИЙ БИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2018

УЎК: 001(092)(575.151)
72.3(5)
А53

Холмўминов, Жаъфар.

Нақшбандия таълимоти ва Марказий Осиё халқлари
маънавий бирлиги (Рисола). – Т.: “Yangi nashr”, 2018. – 28 б.

Масъул муҳаррир:

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Такризчилар:

Нарзулло Орфий,
фалсафа фанлари номзоди, доцент;

Обиджон Муҳаммадёрв,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Марказий Осиё халқларини муштарак тарих, маданият ва дин доимо бирлаштириб, улар ўртасидаги қардошлик ва маънавий яқинликни мустаҳкамлаб келган.

Бухорода вужудга келган ва ислом оламида шуҳрат қозонган Хожагон-Нақшбандия тариқатининг ҳаётбахш таълимоти минтақа халқлари ўртасидаги маънавий робиталарнинг чўққисига айланди.

Ушбу мўжаз рисолада Нақшбандия таълимоти ва унинг минтақа халқлари маънавияти тарихидаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

ISBN-978-9943-22-191-6

© «YANGI NASHR» 2018

КИРИШ

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” матнларининг туркийзабон халқлар маданиятига кўрсатган таъсири, Кушон империяси даврида вужудга келган ўзига хос миллатлараро ва динлараро толерантлик, Марказий Осиё ҳудудида шаклланган шарқий эроний тиллар – қадимги хоразм, суғд ва бохтар тиллари таркибидаги туркий элементлар ва туркий тиллар таркибидаги суғдий ва хоразмий тиллардан кириб келган компонентларнинг мавжуд бўлганлиги, маъноси қадимги туркий бўлган, аммо суғд ёзувида ёзилган матнларнинг Мўғулистон тупроғидан топилиши ва шунга ўхшаган бир қанча омиллар форсийзабон ва туркийзабон халқларнинг охириги уч минг йил давомида узлуксиз равишда фаол трансформацион жараёнларни бошидан кечирганлигини кўрсатади.

Зардуштийлик таълимоти, ундан кейин эса ислом тамаддунининг Марказий Осиё туркийзабон ва форсийзабон халқлари, хусусан, ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги маънавий бирликни таъминлашдаги ўрнини алоҳида қайд этиб ўтишга тўғри келади.

Тарих тил жиҳатидан икки алоҳида тил оиласига тегишли бўлган, аммо тафаккур, эътиқод ва яшаш тарзи бир-бирига ўта яқин бўлиб келган халқларга ўзлигини англаш, борликни билиш, ҳаёт моҳиятини идрок этиш ва ривожланиш учун доимо қиёслаш ва кузатиб бориш имкониятини яратиб берди. Ана шу кузатиб бориш ва таққослаш жараёнида бу икки қавм учун ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб турадиган холис бир кўзгу керак эди. Бу кўзгуни эса улар бир-бирининг сиймосида топишди. Қолган барча жараёнлар – таққослаш, бир-биридан андоза олиш ва ўрганишлар, шаклланиш, ривожланиш ва юксалишлар ана шу кўзгу орқали юзага келди.

XI асрда яшаб ижод қилган буюк шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг Фирдавсий “Шохнома”си анъаналарига эргашиб, туркий тилда “Қутадғу билиг” номли мухташам бир яратди. У ушбу асарда бир неча ўринда Мовароуннахрнинг форсийзабон халқи – тожикларни

хурмат-эътибор билан тилга олиб, уларнинг илм-фан ва маданият ривожига тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтади:

*Бу ҳақда тожиклар китобда битган,
Китобда бўлмаса, қай кўрган, етган?¹*

Худди шунингдек, туркийзабон халқлар, уларнинг тили ва маданиятига бўлган ҳурмат-эътибор Мавлоно Жалололдин Румий, Ҳофиз Шерозий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий каби форсийзабон улуғ шоирлар ва мутафаккирлар ижодида ҳам ўз аксини топган.

Жумладан, Мавлавий Румий ўзининг “Девони Шамс Табризий”сида форс-тожик ва араб тилларидаги муламмаълари билан биргаликда, форс-тожик, араб ва туркий (ўзбек) тилларидаги муламмаълар ҳам яратган.² Тожик ва ўзбек тилларида ёзилган илк муламмаъ намунаси ҳам Мавлоно Жалололдин Румийга тегишлидир:

*Ёро, ба ҳар ду олам ялғуз сени севарман,
Гар ту ба ман наоӣи, аз ғамакат ўларман.³*

Ёхуд, Жомийнинг тожик-ўзбек тилларида ширу шакар услубида ёзган қуйидаги ғазали муламмаъ санъатининг энг гўзал намуналаридан биридир:

*Эй лабат пурхандаву чаими сиёҳат масти хоб,
Икки зулфунг орасинда ой юзингдур офтоб.
Мастии май мекунад рӯйи туро гарқи арақ,
Бода ичсанг тўкилури икки қизил юздин гулоб.
Булҳавас дар базми васлат маҳраму ман ноумед,
Толем шулдир менинг, бахтим забун, ҳолим хароб.*

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи: Фазлиддин Равшанов. – Т.: “Akademnashr”, 2015. – Б.38.

² Улмасова З.Х. Двухязычие как важнейшая форма таджикско-узбекских литературных взаимосвязей. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Худжанд. 1998.

³ Ҳаёт Неъмат Самарқандий. Форс-тожик ва ўзбек адабий алоқалари. // “Сино”, 2001, 4- сон, 42 б.

*Ҳар ки бинад рӯйи хубат, пок бошад аз гуноҳ,
Сан сари боққанлара маҳшар куни йўқтур азоб.
Банда шуд Жомий, гуломат гарчи Афлотун бувад,
Асрагил, ё сақлагил, ё сот, ё бергил жавоб.⁴*

Бухорода вужудга келган Хожагон-Нақшбандия таълимоти ушбу икки халқ ўртасидаги маънавий робиталарнинг чўққисига айланди. Бу ўринда, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифаси, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи” ва “Туркистон аҳлининг қиблаи дуоси” – Хожагон тариқатида алоҳида ўрин тутган ва кейинчалик Яссавия тариқатига асос солган туркийзабон шайх Хожа Аҳмад Яссавий ғоялари ҳам Мовароуннаҳр туркийзабон ва форсийзабон халқларининг XI-XII асрлардаги маънавий муштараклигидан далолат беришини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

⁴ А.Қаюмов. Зуллисонайн Жомий. / “Сино”, 2002 (куз). №7 – Б.16-17.

НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ВА МИНТАҚА ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ БИРЛИГИ

Хожагон, кейинчалик Нақшбандия номи билан машхур бўлган диний, фалсафий ва ахлоқий таълимот ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этган. Ушбу тариқат этагидан етишиб чиққан пиру муршидлар, улуғ мутасаввиф ва мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутади.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний (Бухоро / Гиждувон, м.1103 – Бухоро / Гиждувон, х.616-617 / м. 1218-1220) томонидан асос солинган “Хожагон” тариқатининг вужудга келиши улуғ шайх Хожа Юсуф Ҳамадоний (Ҳамадон, х.440 / м.1049 – Боғдис / Бомайн, х.535 / м.1141)нинг Бухорога келиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида изоҳланади. Ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Юсуф Ҳамадоний қ.т.с. зикрида шундай ёзади: “Асҳоб аросинда хулафоси тўрт киши эрдилар: Хожа Абдуллоҳ Барқий ва Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний қ.т.а. Ва Хожа Юсуфдин сўнгра бу тўрт кишидин ҳар бири иршод ва даъват мақомида эрмишлар ва муридлар анинг хизматида адаб била мулозим. Чун Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон сори азимат қилди. Барча асҳоб ва иродат аҳлини Хожа Абдулхолиқ мутобаатиға далолат қилди”⁵

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Юсуф Ҳамадоний зикридан сўнг Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний қ.т.р. зикрига ўтиб, шундай ёзади: “Аларнинг равиши тариқатда хужжатдур. Барча форуқнинг макбулидурлар. Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо с.а.в. шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво муҳолафатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубдурлар.

⁵ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: “Фан”, 2001. – Б.253.

Аларға кўнгул зикри сабақи йигитликда Хожа Хизр а.с. дан бўлубдур ва ул сабаққа мувозабат кўргузубдурлар ва Хожа алардин фарзандлик қабул қилибдурлар ва буюрубдурларки, хавзлуқ сувға кириб, ғўта ур ва кўнглунгда (“Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”) дегил. Алар Хожа буюрғондек қилибдурлар ва ишга машғул бўлубдурлар ва кушодлар топибдурлар ва аввалдан охирғача аларнинг рўзгори барча халқ қошида мақбул ва маҳмуд экандур. Сўнгра шайх уш-шуюх олиму орифи раббоний Хожа имом Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадоний қ.р. Бухороға келибдурлар ва Хожа Абдулхолиқ алар суҳбатиға етибдурлар ва маълум қилибдурларки, аларда ҳам кўнгил зикри бор. Алар суҳбатида бўлур эрмишлар ва маълум қилибдурларки, то алар Бухорода эрмишлар, дебдурларки, Хожа аларнинг сабақи ва зикри пиридурлар ва Хожа Юсуф суҳбат ва хирқалари пири. Хожа Юсуфдин сўнгра алар риёзатқа машғул бўлдилар ва аҳволларин махфий тутар эрдилар ва аларнинг валояти ул ерга еттики, ҳар вақт намозда Каъбаға борурлар эрди. Аларнинг валояти кўп эрди ва Шомда аларға кўп муридлар пайдо бўлдилар ва хонақоҳ ва остона зоҳир бўлди”⁶.

Хожагон тариқати гарчи мўғул истилосидан бироз олдинроқ вужудга келган ва ғоялари Мовароуннаҳр бўйлаб ёйила бошлаган бўлса-да, унинг мантиқий давоми бўлган “Нақшбандия” таълимоти том маънода Амир Темур ва Темурийлар даврининг маҳсули эди. Темурийларнинг ислом дини ва айниқса, унинг таркибида шаклланган тасаввуф таълимотига бўлган юксак эътиқод ва эътибори ушбу тариқатнинг кенгроқ қулоч ёзиши ва маълум даврларга келиб, асосий сиёсий-диний мафкурага айланишига имкон берди.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан бошлаб то Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган давр давомида Хожагон-нақшбандия тариқатининг марказий фаолият доираси Бухоро ва унинг атрофи билан чекланган бўлса, Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо давридан бошлаб унинг жуғрофияси Самарқанддан Тошкент ва Кошғаргача, Термиздан Балх,

⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Насойим ул-мухаббат. – Т.: “Фан”, 2001. – Б.254.

Ҳисор ва Ҳиротгача кенгайиб борди.

Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний ўз тариқатида жаҳрий зикр, самоъ ва хилватга кенг ўрин бермай, янгича услуб қўллади. Суннатга эътибор бериб, бидъату хурофотдан йироқлашишга аҳамият берди. Ўз шогирдларига: “Фикҳ ва ҳадис илмини ўрган, жоҳил сўфийлардан йироқ бўл, молинг фикҳ китоблари бўлсин, сени мақтасалар, гурурланма, маломат қилсалар, ранжима, инсонлардан ҳеч нарса тамаъ қилма, футувват аҳлидан бўл ва Ҳақ таоло сенга нима берса халққа эҳсон қил!”, деб доимий айтиб юрганлар ва шунга даъват этганлар. Бу қоида кейинчалик Хожагон тариқатининг бош хусусияти сифатида давом этди ва тахминан икки асрдан сўнг нақшбандия тариқатига мерос бўлиб ўтди”.⁷

Хожагон тариқатидаги саккиз қоида – “Усули ёздаҳгона” – “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар Ватан”, “Хилват дар анжуман”, “Ёдқард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдош”, “Ёддошт”га яна уч қоида – “Вукуфи ададий”, “Вукуфи замоний” ва “Вукуфи қалбий”ни қўшиб, мукаммаллаштирган Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан (Бухоро, ҳ. 718 / м.1318 – Бухоро, ҳ. 791 / м.1389) сўнг Хожагон-Нақшбандия тариқати икки йўналишга ажралиб кетди. Биринчи йўналиш Хожа Алоуддин Аттор орқали Хожа Яъқуб Чархий (ваф. ҳ.к. 851 й.)га, ундан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий (ваф. ҳ.к. 895 й.)га бориб тақалса, иккинчи йўналиш Хожа Муҳаммад Порсо орқали унинг ўғли – Абу Наср Порсо (ваф. ҳ.к. 865 й.)га, ундан Низомиддин Хомушга, ундан эса Ҳазрати Жомийнинг муршиди – Шайх Саъиддин Кошғарий (ваф. ҳ.к. 860 й.)га етиб, кейинги даврларда аҳрория, хилватия, кумушхонавия ва мужаддидия каби бир қанча тармоқлар ва шуъбаларга бўлиниб кетди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари ислом шариати – Қуръони карим ва Расулуллоҳ суннатига қатъий риоя қилган ҳолда Ҳанафия фикҳи ва Мотуридия калом мактаби асосида тасаввуф таълимотини аскетизм – таркидунёчиликдан жамиятнинг воқеий ҳаётига, инсон

⁷ Сайфиддин Сайфуллоҳ. Буюклар ҳалқаси. (Олтин силсила валийлари). – Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2011. – Б.14.

моҳияти ва ботиний оламига олиб кирдилар. Асосий эътиборни инсоннинг ўзига қаратиш, бунинг учун жамият ичида бўлиш ва барча қатори ҳалол меҳнат билан кун кечириш, аммо ботинда, қалбда Аллоҳ таоло ёдини саклаш Нақшбандия таълимотининг асосий шиори – “Дил ба Ёру даст ба қор”нинг мазмун-моҳиятини ифода этарди. Бошида шаҳар хунармандлари ва савдо аҳлининг мақсад-маромларини ўзида мужассам этган Нақшбандия кўчманчи чорвадорларни ҳам ўз сафларига кирита бошлади. Инсоннинг ижтимоий табақаси, келиб чиқиши, тили ва миллати ҳеч қандай аҳамият касб этмайдиган Нақшбандия таълимоти ўз даврида минтақа форсийзабон ва туркийзабон қатламларининг ҳаёт мазмунига айланиб борди. Художўйлик, ҳаётсеварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва толерантлик каби кўплаб олийжаноб ғояларни ўзида мужассамлаштирган Нақшбандия таълимоти ўз даврининг етук олиму фозилларини, бора-бора давр ҳукмдорларини ҳам ўзига мафтун этди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Мовароуннаҳр туб аҳолисининг минг йиллик урф-одатлари ва маросимларини Қуръон ва суннат асосида қайта ишлаб, гўзал бир тарзда яна халққа қайтариб берди. Бошқача айтганда, Нақшбандия таълимотида тасаввуф маросимчилиги маҳаллийлаштирилди. Бундан ташқари, бугунгача асосан арабча бўлган тасаввуф истилоҳлари ва тушунчаларини (ҳатто хоразмлик Шайх Нажмиддин Кубронинг “Кубравия” тариқатида истилоҳлар араб тилида бўлган) маҳаллий халқ учун тушунарли ва уларнинг қалбига яқинроқ бўлган форс-тожик тилида ишлаб чиқилди.

Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳр халқларининг чинакам маънавий мураббийси даражасига кўтарилди. Ундаги “асосий талаб – қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси билан курашиб руҳда чароғонлик топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикри хафий (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. “Ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш”, ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб шлар, эзгу амаллар сари кўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр

этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш Нақшбандиянинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган”.⁸ Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, Мовароуннаҳрда яшовчи бугунги ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқларнинг миллий ўзлиги, менталитети, турмуш ва тафаккур тарзининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бошқача айтганда, Нақшбандия таълимоти минтақадаги туркийзабон ва форсийзабон халқларни нафақат маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирлаштирди, балки уларнинг миллат сифатида шаклланиш жараёнида ҳам фаол қатнашди. Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида мунтазам тарзда фаолият юритаётган ҳолда Худо ёдини дилда сақлаш, ҳудожўйлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқодли бўлиш, меҳр-оқибатлилик, ота-она, улуғлар, устозларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, ўтганларни хотирлаш, инсон қадр-қийматини эъозлаш, ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, покиза турмуш тарзи билаш яшаш ва яна юзлаб олийжаноб қадриятлар, улуғ инсоний фазилатларнинг минтақа халқлари онгу шуурида мустаҳкам ўрин олиши ҳам асосан муқаддас ислом дини ва Нақшбандия таълимотига бориб тақалади.

Тасаввуф таълимотининг XIV аср охиридаги назариётчиларидан бири, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур бўлган Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий (ваф. ҳ.қ. 865/ м.1420 й.) илмий мероси ва қарашларини ўрганиш нафақат Нақшбандия тариқати асослари, балки умуман, тасаввуф таълимоти таркибида минг йилдан кўпроқ давр давомида шаклланган ирфон фалсафасининг асл моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишимиз учун имкон беради. Айниқса, унинг “Фасл ул-хитоб” ва “Шарҳи Фусус ул-ҳикам” номи асарларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали тасаввуф таълимотининг фақатгина аниқ белгиланган расм-русумлар, урф-одатлар ва муайян ахлоқ-одоб қоидаларидан таркиб топган бир мажмуадан иборат бўлмаганлиги, аксинча, бу таълимот инсон, ҳаёт, жамият, дунё, охират, борлик, маърифат, ақл-идрок, та-

⁸Нажмиддин Комилов. Нақшбандия. / ЎзМЭ, 6. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.294.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4628> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4628> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4628>